Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ÖZBEKİSTAN AVAZI

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 9 июнь, пайшанба № 100 (21. 704). Сотувда эркин нархда

ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КОНФЕРЕНЦИЯСИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Мустақил Ўзбекистон пойтахти — Тошкентда ўтаётган халқаро хотин-қизлар конференцияси иштирокчилари, муҳтарама аёллар, хонимлар!

Дунёнинг турли мамлакатларидан келган сиз, азиз меҳмонларимизни самимий муборакбод этаман ва анжуман ишига муваффақиятлар тилайман.

Жаҳонда тинчлик ва осойишталикнинг барқарор бўлишида, инсонларнинг ҳамжиҳатлигини, жамиятнинг маънавий асосларини тобора мустаҳкамлашда, ёш авлодни камол топтиришда, ҳаётимизни янада юксакроқ поғоналарга кўтаришда сизларнинг — халқаро аёллар ҳаракати фаолларининг фидойилиги беқиёсдир.

Шу боис соғлом авлод тарбиясини, аёллар ва болалар, оила иктимоий муҳофазасини ўз сиёсатининг энг устивор йўналиши этиб белгилаган суверен давлат — Ўзбекистонимизда бундай халқаро анжуманнинг ўтиши биз учун ғоят аҳамиятли воқеадир.

Конференциянгиз иши унумли ва самарали бўлишига ишончим комил.

Сизларга аввало оналар учун энг азиз ният бўлган тинчлик ва осойишталик, соғлиқ-саломатлик, фарзанд ва оила, жамият фаровонлиги, ғўзаллик ва бахт тилайман!

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

ХАЛҚАРО АНЖУМАН АРАФАСИДА

ЮНЕСКО 1994 йилни халқаро Оила йили деб эълон қилгани кўпчиликка маълум. Шу муносабат билан дунёнинг кўплаб мамлакатларида турли тадбирлар ўтказилмоқда. Шулардан бири — 9 июнь куни Тошкентда ўз ишини бошлайдиган «Аёл, оила ва жамият» мавзуидаги халқаро конференциядир. Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси «Соғлом авлод учун», «Экосан» Халқаро жамғармалари, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ва «Маҳалла» хайрия жамғармасининг мазкур тадбирни ўтказиш ҳақидаги ташаббуси республика Вазирлар Маҳкамаси томонидан маъқулланиб, махсус қарор қабул қилинди.

Анжуман арафасида иштирокчиларнинг дастлабки гуруҳи — Америка Қўшма Штатлари, Покистон, Хитой ва тунислик хотин-қизлар Тошкентга етиб келдилар. Франция, Россия, Озарбойжон ва Марказий Осиёдаги қўшни мамлакатлардан ҳам меҳмонлар кутилмоқда.

Конференцияни ўтказиш ташкилий қўмитаси бир қанча тадбирлар режасини тайёрлаб қўйди. Иштирокчилар икки кун давомида хотин-қизларнинг оилада ва жамиятда тутган ўрни билан боғлиқ долзарб масалаларни муҳокама қилиш, ўзаро тажриба алмашиш баробарида республикамиз аёлларининг турмуш шароити, меҳнат фаолияти билан танишадилар. Гуруҳларга бўлиниб, Ўзбекистон болалар жамғармасида, «Шарқ гули» акционерлик жамиятида, «Қизил тонг» ишлаб чиқариш бирлашмасида бўладилар, республика «Она ва бола» марказини бориб кўрадилар.

Нуфузли анжуман республикамизда соғлом авлодни камол топтиришга, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга, аёллар орасида ишбилармонликни ривожлантиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Самарқанддаги «Азиза» ҳиссадорлик бадиий буюмлар ишлаб чиқариш уюшмаси маҳсулоти сифати нафислиги ва харидоргирлиги билан машҳурдир. Жорий йилнинг ўтган ойлари ичида 500 миллион сўмлик маҳсулот савдога чиқарилгани ҳам бундай дейишга асос бўлади.

СУРАТДА: дўппи тикувчи Манзура Қосимова.

Т. НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат.

Маълумки, меъёрланган озиқ-овқат маҳсулотлари, айниқса, шакар дўконларда ҳамиша ҳам топилавермайди. Таъминотни яхшилаш учун нима қилиш керак?

Бу саволга Ромитан туманидаги «Қўрғон-Ромитан» жамоа хўжалигида аниқ жавоб топилди: шакар заводи

ШАКАР СЕРОБ БЎЛАДИ

қуриш зарур. Бунга ҳам эришилди. Хом ашёни четдан сотиб олмаслик ҳамда кичик корхонанинг узлуксиз ишлашини таъминлаш учун хўжаликда 60 гектар майдонда қанд лавлаги етиштириляпти.

Яна шуниси борки, корхонада шакар-қанд билан бирга маҳаллий хом ашёдан спирт ҳам ишлаб чиқарилади. Бу аҳоли эҳтиёжини қондириш ишига муайян ҳисса бўлиб қўшилади.

Даврон БАҲРОНОВ.

«БЕРИНГЕР ИНГЕЛЬХАЙМ»— СИНАЛГАН ШЕРИК

Икки кун давомида Тошкентда Марказий Осиё пульмонологлари ва аллергологларининг 1 Халқаро конгресси бўлиб ўтди. У республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги бошчилигида, Австриянинг бутун жаҳонга машҳур «Берингер Ингельхайм» фирмаси ҳомийлигида ўтказилди.

— Шуниси ачинарлики, экологиянинг бузилиши, турли хил иктимоий сабабларга кўра, Марказий Осиё республикалари аҳолиси ўртасида ўпка—бронх хасталиклари, аллергик касалликлар кўпайиб боряпти,— дейди анжуман ташкилотчиларидан бири, республика Пульмонология ва сил касалликлари илмий-текшириш институти директори, профессор Абдулла Убайдуллаев.— Шу боисдан анжуманда мазкур хасталикларнинг тарқалиши, уларнинг клиник хусусиятлари, олиб борилиши лозим бўлган профилактик тадбирлар, шунингдек, уларни даволаш хусусида гап борди. Ажаб эмас, Марказий Осиё республикалари ҳамда Москва, Санкт-Петербург, Австрия, Германиядан келган ҳамкасблар билан бу хасталикларни даволашда бир фикрга келиб, дастур ишлаб чиқсак.

Бир оғиз сўз шу катта анжуман ҳомийси, «Берингер Ингельхайм» фирмаси ҳақида. 1885 йили ташкил топган бу фирманинг жаҳоннинг 29 давлатида завод, фабрикалари мавжуд. У ерда ишлаб чиқариладиган дори-дармонларнинг етмиш фоизи ўпка хасталикларига даво бўлади. Бугунги кунда Марказий Осиё республикаларида «Берингер Ингельхайм»нинг ваколатхоналари бўлиб, унинг директори жаноб М. Дашич анжуманнинг очилишида сўзга чиқиб, бундан буён ҳамкорликни янада кенгайтириш борасида ўз ҳиссасини қўшажагини билдирди.

Анжуман кунларида пульмонология, аллергологияга оид қатор маърузалар тингланди. Шунингдек, «Берингер Ингельхайм» фирмасининг Ингакорт, Дитэк, Бередуал сингари синовдан ўтган, ўта таъсирли дори-дармонлари йиғилиш қатнашчиларига намойиш этилди.

Умида ФАЙЗИЕВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУРМАТЛИ ИСЛОМ АБДУҒАНИ ЎҒЛИ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Сиз, ҳурматли жаноб олийларига ҳаж сафарига муяссар бўлган барча ҳожилар номидан самимий ташаккур билдиришга рухсат бергайсиз. Айни вақтда маълум этамизки, барча ҳожилар кўрсатилган енгиллик ва моддий ёрдам учун Сиздан чексиз миннатдордирлар. Ўзбекистонлик зиёратчилар Каъбаи муаззамада, Арофат ва Минода бўлган вақтларида Сиз муҳтарамга узоқ умр ва савоб ишларингизда муваффақиятлар тилаб дуода бўлдилар ва мустақил Ватанимиз халқларига бахт-саодатлар тиладилар.

Аллоҳ таоллога шукрлар айтиб, мамнуният билан хабар қиламизки, Сиз муҳтарамнинг олий буйруғингиз билан ҳаж сафарини ўтказиш ҳайъати яхши ва самарали ишлагани сабабли ҳожиларга Маккада истиқомат учун тегишли шароитлар яратилди. Сафар давомида улар орасида ўзаро аҳиллик ва иттифоқлик ҳукм сурди ва натижада Аллоҳнинг амрини бажариб, буюк маънавий озуқа олиб қайтдилар. Саудия Арабистони раҳбарияти ҳам Ўзбекистон вакилларига эътибор билан қаради.

Мовароуннаҳр мусулмонлари идорасининг раиси ва камина Қирол Фаҳд ибн Абдулазиз қабулида бўлиб, ул зотга Сиз — муҳтарам Президентимиз номидан салом етказганимизда, мамнуният билан қабул қилдилар ва ўзларининг Сиз, жаноби олийларига ҳам саломларини етказишимизни сўрадилар.

Янги тайинланган ҳаж ишлари вазири Маҳмуд ибн Муҳаммад Сафар жаноблари бизни қабул қилди ва икки марта зиёратга таклиф этди, ўзбекистонлик ҳожиларнинг ҳол-аҳволидан бохабар бўлиб турди.

Аллоҳ таолога шукрлар бўлсинки, бу йил ҳожиларга мумкин қадар яхши шароитлар яратишга интилдик. Бу саъй-ҳаракатлар натижасида ҳожиларимиз зиёратларни талаб даражасида ва сидқидилдан адо этиб қайтдилар.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан юборилган беш нафар врачимиздан ҳам ҳожилар мамнун бўлдилар.

Макка ва Мадинада яшаётган ҳамюртларимиз ҳам бу йилги ҳаж маросими уюшқоқлик билан батартиб ташкил қилингани учун Сиз муҳтарамдан ва ҳаж сафарини ўтказиш ҳайъатидан миннатдор бўлдилар. Улар Ўзбекистон байроғи остида ўлтириб, Аллоҳга шукрлар айтиб, кўзларида ёш билан юртимиздаги барча биродарларига саломлар йўлладилар.

Абдуғани АБДУЛЛАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Диний ишлар қўмитаси раиси.

МАТЛУБОТЧИЛАР ҚУРУЛТОЙИ

7 июнь куни Тошкентда республика Матлубот жамиятлари уюшмасининг XVIII қурултойи бўлди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг қурултой қатнашчиларига табригини республика Бош вазири Ўринбосари М. Усмонов ўқиб эшиттирди.

Қурултойда «Ўзбекбирлашув» бошқаруви раиси Б. Абдуғаниев иқтисодий ислоҳотни чуқурлаштириш шароитида матлубот кооперациясининг вазифалари ва тараққиёт дастури ҳақида маъруза қилди.

Маърузачи ва сўзга чиққанлар эришилган ютуқларни таъкидлаш билан бирга, ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар, жумладан, қишлоқ аҳлига савдо хизмати кўрсатишни яхшилаш, кооператив тизимда мулкни хусусийлаштириш, вилоят матлубот жамиятлари уюшмалари ўртасидаги ички хўжалик муносабатларини такомиллаштириш, аҳолини меъёрланган озиқ-овқат ва саноат моллари билан таъминлаш, товар ресурсларини кўпайтиришда Ҳамдўстлик мамлакатларида очилган савдо уйлари ҳамда дўконлар имкониятидан тўлароқ фойдаланиш зарурлиги хусусида гапирди.

Анжуманда хусусий тадбиркорлар, фермер (деҳқон) хўжаликларини зарур ашё ҳамда ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлаш, улар етиштирган маҳсулотни вақтида қабул қилиш ва ҳақини тўлашга аҳамият бериш, тизимда ташқи иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш, бунинг учун хорижга кўпроқ тайёр маҳсулот сотиш, тараққий этган давлатлар билан қўшма корхоналар тузишга эътиборни қаратиш кераклиги таъкидланди.

Қурултойда «Ўзбекбирлашув» бошқаруви ва назорат органлари тузилди. Б. Абдуғаниев «Ўзбекбирлашув» бошқаруви раиси этиб сайланди.

Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков қурултойда сўзга чиқди.

• *Сизда хусусийлаштириш қандай бораяпти?*

ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИГА ЭЪТИБОР ЗАРУР

Ўтиш даврининг қийинчиликлари аҳоли турли қатламлари вакилларинк кўрпага қараб оёқ узатишга ўргатяпти. Тўғри, бу қийинчиликлар вақтинча. Мамлакатимиз Президентининг корхоналарни хусусийлаштиришга оид Фармони аҳоли моддий эҳтиёжларини яхшилаб бориш йўлларини кўрсатиб берди, қуйидаги мулоқотда шу ҳақда гап боради.

Ер — ризқ-рўзимиз манбаи. Фермерлар эса — деҳқончилигимиз келажаги. Куни кеча бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги иқтисодий ислоҳот, тадбиркорлик ва хорижий сармоялар бўйича идораларо кенгаш мажлисида ҳам уларни ер билан таъминлаш, самарали ишлаш учун шароит яратиб бериш зарурлиги яна бир бор таъкидланди. Лекин айрим жойларда деҳқон (фермер) хўжаликлари фаолиятини ривожлантириш, уларни сувли, унумли ер билан таъминлашга ғамхўрлик қилинмаётир. Билакс, тадбиркорлар машаққат эвазига эпақага келтирган ерни тортиб олишга уриниш ҳоллари ҳам юз бермоқда.

— Зомин тумани ҳокимининг 1993 йил 1 мартдаги қарори билан фермер хўжалиги тузишга рухсат олган эдим,— дейди «Оқ олтин» деҳқон хўжалиги раиси Йўлдош Урдушев.— Сўнг Ўльянов сопол-девор маҳсулотлари корхонаси ихтиёридаги 40 гектар ер менга 5 йил муддатга ижарага берилди. Ўтган йили унинг 25 гектарига пахта экдик. Завод хориждан биз етиштираётган пахта толаси ҳисобига эҳтиёт қисмлар олиши керак. Хўжалигимиз ҳар йили ана шу мақсад учун 320 тонна пахта топшириш юзасидан шартнома имзолаган.

Лекин шу йил баҳорда 15-давлат хўжалиги директори Т. Боймиров машаққат билан шудгор қилган еримизга эга чиқиб қолди. Туман ҳокими Н. Умаровга мурожаат қилсам, у ўз қарорига зид равишда «бу ерга совхоз экин экади», деди.

— Бизга «Ғалабанинг 40 йиллиги» ширкатлар бирлашмасидан 15 гектар майдон ажратилган эди,— дейди «Равшан» деҳқон хўжалиги раиси Абдуқуддус Норқулов.— Бу йил туман ҳокимлигида фермер сифатида рўйхатдан ўтиб, 13 январда 150 минг сўм аъзолик бадали ҳамда ер солиғи тўлаган бўлишимга қарамай, деҳқон хўжаликлари кам ҳосил ундирмоқда, деган баҳона билан ерни тортиб олишди.

Наҳотки, туман ҳокими билан хўжалик директори Президентимизнинг деҳқон (фермер) хўжаликларига амалий ёрдам бериш, рағбатлантириш ҳақидаги кўрсатмаларидан бехабар бўлса?

Йўлчи ЖУРАЕВ, ЎзА мухбири.

ЎзА таҳририятидан: ушбу ахборот матбуот учун тайёрланаётган вақтда халқ депутатлари Зомин туман кенгаши сессиясида Жиззах вилояти ҳокими А. Тошкенбоевнинг фармойишига биноан ҳоким Н. Умаров вазифасидан озод этилгани тўғрисида хабар олинди.

ЁТИБ ЕГАНГА ТОҒ ҲАМ ЧИДАМАС

Илёс АБДУКАРИМОВ, Қорақалпоғистон Республикаси Давлат саноат-савдо, маҳаллий саноат концерни раиси:— Концернимиз ташкил топганига унча кўп вақт бўлгани йўқ. Қисқа фурсатда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш борасида муайян натижаларга эришилди. Маҳаллий саноат комбинатларидан ўн биттаси якка хусусийлаштирилган корхонага айлантирилди. Ҳиссадорлик асосидаги 9 та жамият тузилди. Қатор корхоналар, масъулияти чекланган жамият, ширкат, уюшма ва кооперативлар хусусийлаштирилган мулк шаклларига ўтказилди.

Хусусийлаштиришнинг бу турлари корхоналарда меҳнат унумдорлиги муттасил ошиб боришига имкон бермоқда. Мулк эгалари корхоналарни батартиб ишлатишга интилиб, маҳсулот тайёрлаш ҳажмини муттасил ошириб боришга муваффақ бўлишяпти. Масалан, Амударё туманидаги «Жаҳон» хусусий корхонаси, Чимбой туманидаги «Зарафшон», Нукусдаги «Миллий аргумент» ўртоқлик корхоналари кейинги уч ойда ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан маҳсулот тайёрлаш ҳамда турларини кўпайтиришга эришдилар.

Иқтисодий ислоҳотлар туфайли хусусийлаштирилган қатор корхоналарда янги иш жойлари барпо этиляпти. Бўшаб қолган мутахассис кадрларни ўзларига мос жойларда ишга жалб этиш шарт-шароитлари яратилмоқда. Натижада халқ истеъмоли моллари тайёрлаш тармоқлари кенгайиб боряпти.

Тармоғимиз мутахассислари янгидан хусусийлаштирилган корхоналар билан шартномалар асосида ишлашга ўтдилар. Бундан мақсад — аҳолининг кам таъминланган табақаларини иктимоий ҳимоялашни кучайтиришга, уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган фуқароларни, кўп болали оналар, боқувчисини йўқотганларни иш жойлари билан камида 3 йил муттасил таъминлаб бориш назарда тутилди. Ҳиссадорлик жамиятларида корхонада кўп йил ишлаган меҳнат фахрийлари, иш жараёнида ногирон бўлиб қолган ишчи-хизматчилар рўйхати тузилди ва уларга акциялар тарқатилди.

Халқ истеъмоли буюмлари тайёрлайдиган корхоналар тармоғини кенгайтириш йўли изчил амалга оширилмоқда. Жундан пойабзал тайёрлаш цехи ишга туширилди. Қўй ва эчки терисини қайта ишлаб, устки кийимлар ишлаб чиқариш йўлга қўйила бошлади. Гилам, палос, кулолчилик буюмлари, шоли похолидан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш цехлари ҳам фойдаланишга топширилади.

Мурод ЖУМАБОЕВ, Қорақалпоғистон Республикаси аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари уюшмаси раиси:— Мулкчиликка муносабат ўзгара бошлаганидан аҳоли мамнун. Мулк ўз эгасини топгани кўп афзалликлар беришини кундалик ҳаётда кўриб турибмиз. Икки йилдирки, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари давлат тасарруфидан чиқарилди. Вазирлик тугатилиб, аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг янгича тизими қарор топди.

Хўш, нима ўзгарди? Аввало, янгича тизим асосида ишлашга ўтилгандан буён хўжалик ҳисоби асосида иш юритмоқдамиз. Бу дегани— давлатдан маблағ олмаймиз. Ўз топганимизга яраша ҳаражатлар қилишга кўникиб боряпмиз. Шу туфайли йил сайин давлатнинг миллионлаб пули тежалмоқда. Корхоналарни ривожлантириш, ишчи-хизматчиларни иктимоий ҳимоялаш масалалари энди ўз ихтиёримизда. Бошқача айтганда, даромадга қараб буромад қиляпмиз.

Ахир ўйлаб кўринг. Яқиняқинларда ҳам йилига ўрта ҳисобда корхоналарга 200 дона атрофида машина-ускуна олардик. Буни давлатнинг марказлашган маблағи ҳисобига харид қилардик. Лекин яна шунча ускунани корхона ҳисоб-китобидан чиқаришга тўғри келарди. Энди бўлса, 200 хизматчи бошқарув тизимидан қисқарти. рилиб, фойда келтирадиган иш участкаларига жалб қилиняпти. Шунинг ўзидан 200—250 миллион сўм тежалди.

Хусусийлаштиришнинг тармоқдаги бугунги манзарасини қуйидагича тасаввур қилиш мумкин. Хизмат кўрсатиш нуқталаридан 530 таси хусусийлаштирилди. Шундан 156 та объект шахсий мулк, 372 та нуқта ижара шаклида ишлашга ўтказилди. Уларга фаолият кўрсатишда тўла эркинлик берилди. Маъмурий-буйруқбозлик, ички ишларга ҳуда-беҳуда аралашишларга чек қўйилди. Назорат-тафтиш тизими ходимлари кескин қисқарди.

Хуллас, турли усулларни қўллаб, ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга ҳаракат қилинмоқда. Бу йил бажариладиган иш ҳажми ўтган йилдагига нисбатан 4 баробар ошади. Олинадиган фойда 1 миллиард 200 миллион сўмга етади. Буларнинг ҳаммаси аҳолига маиший хизмат кўрсатиш яхшиланаверади, деган маънони билдиради.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

СЕМИНАР БОШЛАНДИ

7 июнь куни Тошкентда «Ташқи заём операцияларини бошқариш масалалари» мавзуида халқаро семинар бошланди. Унда жаҳон банки, БМТнинг савдо ва тараққиёт бўйича конференцияси (ЮНКТАД), Буюк Британия ва Туркиянинг молия соҳаси мутахассислари, Албания ҳамда Марказий Осиё мамлакатларининг банк тизими вакиллари иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Бахтиёр Ҳамидов семинарни очар экан, халқаро анжуман ишига муваффақият тилади. Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, ташқи молиявий фаолиятни жаҳон талаблари билан мувофиқлаштириш учун кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида гапирди. Жаҳон банкининг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси раҳбари Парвез Ҳасан семинарни ўтказишдан кўзланган мақсад ва унинг Марказий Осиё давлатлари ташқи молия соҳасини ислоҳ қилишдаги аҳамияти тўғрисида сўзлади.

Халқаро тадбир қатнашчилари бир неча кун давомида макроиқтисод, молиявий сиёсат, хусусан, заёмларни бошқариш ва назорат қилиш, ана шу жараёнларни компьютерлаштириш каби масалалар борасида фикрлашадилар, бу соҳада тўпланган халқаро тажрибалар билан танишадилар.

(ЎзА).

МАФКУРА МАВЗУИДА АНЖУМАН

Кеча Тошкент Давлат университети қошидаги Олий педагогика институтида «Ўзбекистон миллий истиқлол мафкурасининг моҳияти, мазмуни, шаклланиши ва аҳамияти» мавзуида илмий анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманни институт директори, тарих фанлари доктори, профессор Ш. Шаропов очди. Унда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институти директори А. Жалолов, профессорлар А. Абдунабиев, А. Абдуғаниев, М. Орипов, Қ. Усмонов, Ғ. Нажимов, Э. Чориев миллий истиқлол мафкурасининг моҳияти, мазмуни ва уни яратишнинг долзарб масалаларига бағишланган маърузалар билан чиқдилар. Нотиқлар Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг асарларида истиқлол мафкурасини яратишнинг зарурлиги, моҳияти ва уни яратишда асос қилиб олинадиган устивор тамойиллар назарий жиҳатдан асослаб берилганини таъкидладилар.

Шунингдек, вилоятлардан келиб институтда малака ошираётган Б. Носиров (Бухоро Давлат университети), Қ. Нишонбоева (Тошкент Давлат институти), Т. Файзуллаев (Наманган Давлат университети), Қ. Рўзиматова (Фарғона Давлат университети) ва А. Абдусаматов (Тошкент Давлат университети) нутқларида миллий истиқлол мафкурасини яратишда тарихий омиллар, маънавий меросдан фойдаланиш ҳақида сўз юритилди, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларининг бу борадаги вазифалари тўғрисида фикр алмашиб олинди.

М. УСМОНОВ, ТошДУ қошидаги Олий педагогика институти директори ўринбосари.

• ХДП: бошланғич ташкилотларда

ОБРЎ МИСҚОЛЛАБ ЙИҒИЛАДИ

Ғалабанинг отаси кўп бўлади, деган экан бир донишманд. Бирор маҳаллага ичимлик суви қувури тортилса, хўжалик бошқарувидан тортиб касаба уюшмасию ёшлар иттифоқининг маҳаллий идораси бу воқеани ўз номларига боғлаб қайд қилиб қўйиши мумкин. Лекин, бир ҳакам бор, бу—халқ, одамлар. Кимнинг қандай ишлаётганини шу ҳакам белгилайди. Шунга қараб обрў улашади.

Шу нарсани ўйлаганимда, партиявий мавзудаги ҳозир баён қилмоқчи бўлган фикрларимни ортиқча дабдабадан холи, аҳвол қандай бўлса, шундайлигича айтиб ўтишни лозим топдим. Хўжалигимиз бултур пахта тайёрлаш йиллик режасини бажаролмади. Режа—нисбий тушунча. Аслида одамнинг қандай ишлаётганини унга бошқа бир идора томонидан белгиланган режани бажариш ёки бажармаслик даражасига қараб белгилаш ҳам—нисбий. Бироқ очиғини айтганда, етиштирган ҳосилдан, меҳнатимиздан ўзимизнинг ҳам кўнглимиз тўлмади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг бошқа турларини етиштиришда ҳам камчиликларга йўл қўйдик.

Бугунги кунда партия ташкилоти ернинг мелиоратив ҳолати ёмон, бошқарув хотиржамликка берилди, қолоқликнинг сабаби шулар, деб ўзини четга олиб ўтиргани йўқ. Аксинча, ишнинг моҳиятига чуқурроқ кириб бориш, фаолроқ сарҳадлардан туриб одамларга кўмаклашишни ўзига вазифа қилиб қўйди. Ахир 330 нафардан зиёд партия аъзоси бор. Уларнинг ҳар бири ҳаётга ўз қараши, ўз нуқтаи-назари бор одамлар. Нега энди ўрта бўғинда раҳбарлик қилиб турган одамнинг совуққонлигига, ишга муносабатига партия аъзоси томошабин бўлиб турмоғи лозим экан? Биз бепарволикни, лоқайдликни ижтимоий жиҳатдан хавфли ҳодиса, деймиз. Шу боис яқинда бўлиб ўтган маслаҳат йиғилишларимизнинг бирида шундай келишдик: партия аъзоси лоқайдлик хавфига қалқон бўлсин. Умумманфаат мезони кўндаланг бўлиб турган бир пайтда бу иш партия ташкилотники, бунисн маъмурий бошқарувчиларники, деб айирмачилик қилиб туриш ёки ҳамкорликни дўстона тушунмаслик ҳеч кимга фойда келтирмаслигини бугун ташкилотимизда ҳамма тушуниб турибди.

Шу қарашлардан келиб чиқиб биз бугунги кунда имкони борича фаолроқ ишлашга ҳаракат қилмоқдамиз. Маъмурий бошқарув ўзи тайинламоқчи бўлган кадр ҳақидаги хулосамизни инобатга олади. Ишнинг ривожига асқотадиган таклифларимиз таҳлил этиляпти, амалда қўлланиляпти. Фермер (деҳқон) хўжаликларини ривожлантириш соҳасига эътиборни кучайтирганмиз. Бу борадаги тўсиқларни бартараф қилиш, ердан, ресурслардан унумли фойдаланиш ва ҳаммасидан ҳам муҳими, одамларда тадбиркорлик фазилатларининг шаклланишига кўмаклашиш ташкилотимизнинг кундалик юмушларига айлангандир.

Обрў мисқоллаб йиғилади. Аъзолик бадалини жамғариш, партия сафини кенгайтириш, мажлисларни ўтказиб туриш ўз йўлига. Кўпнинг бошини қўшиб, мўлжалнинг аниқлигига ишонтира билганларнинг изидан одамлар эргашади. Шу ўринда бир мисол келтириб ўтаман. Очилдиев Чори ХДП аъзоси, «Ғиламбоп» маҳаллаасининг оқсоқоли. Шу одам маҳалладошларига: келинг, ариза-париза ёзиб, катта идораларнинг эшигини тақиллатиб юрмайлик, раис билан маслаҳатлашайлик-да, ўзимизнинг имкониятларимизни кўриб чиқиб, қишлоғимизга газ ўтказиб олайлик, деди. Партия ташкилотига бу гап маъқул бўлди. Одамларга ҳам. Кўпдан қуён қочиб қутулмас, дейдилар. Иш лойиҳалаштирилди. Қувур тараддуди қилинмоқда. Хуллас, муз кўчди. Ҳозир 6 та маҳалламиз хонадонларида газ ёнаяпти. Узоқ-узоқ қишлоқларимизни ободонлаштирмоқдамиз. Маҳаллаларни обод қилиш, йўлларни тоза-озода сақлаш, дарахт ўстириш, ҳатто, айтишиб қолган қўшниларни яраштириб қўйиш, бир сўз билан айтганда, маҳалла қўмиталари билан қўлни қўлга бериб ишлаш жойлардаги ташкилотларимизнинг, ҳар бир партия аъзосининг фаолиятига асос деб қабул қилингандир.

Хўжалигимизда 5500 гектар суғориладиган ер бор. Шу майдонларнинг 600—700 гектари ўта шўр тупроқли ерлар. Тегишли идораларнинг бўлса ерларни шўрдан тозалаш борасидаги ишларидан кўра, баҳоналари кўпроқ бўлаяпти. Биз ҳозир шу масала билан шуғулланяпмиз. Таклифлар билан чиқамиз. Бу борадаги белгиланган тадбирларнинг ижросини суриштирамиз.

Ғаффор ЖУМАЕВ,
Қизириқ туманидаги «Ғиламбоп» жамоа хўжалиги партия ташкилотининг котиби.

• Партия аъзолари ҳақида ҳикоялар

ЙЎЛЛАР ДИЛЛАРГА ТУТАШ

Сирдарё тумани автомобиль йўллар бошқармаси вилоят ҳудудидан ўтадиган жаҳон йўлининг хўжайини: бу тарихий йўлга сайқал бериб, ўзгача меҳр билан уни сақлаб турибдилар. Ахир, бу йўллар не-не дилларга туташ.

Йўл созловчилар жамоасида тўрт юз киши меҳнат қилади. Бошқармага малакали мутахассис ва ташкилотчи, ЎзХДП аъзоси Тошпўлат Бобожонов раҳбарлик қилади.

У ёш бўлишига қарамай, ўз иш жабҳасида бой тажриба тўплаган мутахассислардан. Жамоада деярли ўн беш йилдан бери меҳнат қилади. Икки йилдирки, қадрдон касбдошларига бош-қош.

— Ихтиёримизда туманимиз ҳудудидаги жами 264 километр масофадаги йўл, шу жумладан, 68 километр жаҳон йўли, йигирмата кўприк ва 299 та қувур, саксон тўқизта бекат бор,— дейди бошқарма бошлиғи.— Уларни доимо соз ҳолатда сақлаш, йўллар ва бекатларга замонавий қиёфа бахш этиш — бизнинг доимий ташвишимиз ҳамда бош мақсадимиз.

Унинг таъкидлашича, бозор иқтисодига ўтиш даврида барча қатори йўл созловчиларга ҳам осон бўлаётгани йўқ. Иқтисодий алоқалар ривожланган сари транспорт ҳаракатлари ҳам кўпайиб ва тезлашиб бормоқда. Сирдарё туманининг ҳудуди эса вилоятдаги энг серқатнов жойлардан ҳисобланади. Чунки, унинг бир ёғи қўшни Қозоғистон билан, яна бир тарафи Тошкент вилояти билан чегарадош. Улар хизмат қилаётган жаҳон йўлининг нариги чегараси эса Жиззах вилоятига бориб туташади.

Хуллас, харажатлар ортиб бормоқда. Маблағ топиш эса борган сари қийинлашаётир.

— Ҳаражатларимизнинг бир қисмини «Ўзавтойўл» қоплаб, бизга ҳомийлик қилаяпти. Лекин маблағнинг асосий қисмини ўзимиз ишлаб топишимиз керак,— дейди бошқарма бошлиғи.— Шу мақсадда қатор муҳим тадбирларни амалга ошираётирмиз.

Тошпўлат Бобожоновнинг таъкидлашича, маҳсулотни тежаш, бошқарув идораларини янада такомиллаштириш мақсадида учта йўл бўлими ташкил этилди. Эндиликда ҳар қайси бўлим ўзининг иш ҳудудига эгалик қилади ва ўз маблағини ўзи бошқаради. Бу эса уларни ҳар соҳада тежамкор бўлишга ундайди.

Яна бир эътиборли нарса, бошқарма йўлсозлари ўз асфальт-бетон цехига эга бўлишди. Илгари у алоҳида корхонага айлантирилган эди. Лекин бу тадбир ҳаётда ўзини оқламади. Ҳозир цех ишини яхшилаш, унумдорлигини ошириш чоралари кўрилаётир.

Хўжалик маъмурияти ХДП бошланғич ташкилоти ва касаба уюшмаси билан ҳамкорликда ишчи ва хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш тадбирларини ҳам амалга оширмоқда. «Шоликор» давлат хўжалиги билан шартнома асосида иш юритилиб, ўтган йили йўлсозларнинг ўзлари мазкур хўжалик ҳудудида 30 тонна шоли етиштирдилар. Натижада ишчиларга эллик фоиз арзонлаштирилган нархда гуруч сотилди. Бу ишлар яна давом эттирилади. Бошқарма ўз боғи, ёрдамчи хўжалиги, чорвачилигига эга. Олинаётган маҳсулотлар йўлсозларнинг ўзига аталган.

Яқиндан бошлаб тадбиркор раҳбар оқсоқоллар ва партия фаоллари билан маслаҳатлашиб, катта ишга қўл уришди. Яъни сирдарёлик йўлсозлар Тюмендаги ҳамкасблари билан иқтисодий ҳамкорлик режаларини тузаяптилар. Бу уларга катта моддий мадад бериши керак. Тошпўлат аканинг таъкидлашича, олти кишидан иборат кўприк қурувчилар бригадаси Тюменда иш олиб боради. Бунда мавоза асосида иш кўрилади. Сирдарёликлар 1 миллиард сўм ҳажмдаги кўприк барпо этадилар. У ердан эса ўзлари учун энг керакли ва қимматли маҳсулотлар олиб келадилар. Бундан ҳар икки томон манфаатдор.

Тошпўлат Бобожонов ўз жамоасининг тадбиркор раҳбаригина эмас, балки фаол жамоатчиси ҳамдир. У Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси сифатида партия ташкилоти олиб бораётган тадбирларда фаол қатнашади, ташкилотнинг барча оммавий-ташкилий, сиёсий-маърифий, тарбиявий ишларини тўла қўллаб-қувватлайди. Бундан ХДП бошланғич ташкилотининг котиби Анвар ака Тошалиев, айниқса, мамнун.

Бошқармада барча жамоат ташкилотлари ҳамкорликда ва аҳилликда иш юритадилар, турли сиёсий ва ижтимоий тадбирларни биргаликда уюштирадилар. Бундай муҳитнинг юзага келишида ташкилот раҳбарининг хизмати кам эмас.

Абдужалил УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТУШУНТИРИБ, ИШОНТИРИБ

Шаҳар партия кенгашимиз кейинги пайтларда у ёки бу тармоқ раҳбарлари ҳамда мутахассислари билан фаолларнинг учрашувларини уюштиришни анъанага айлантирмоқда.

Бу галги мулоқотда давлат банки ҳамда молия соҳаси раҳбарлари иштирок этишди. Тўпланганлар — маҳалла оқсоқоллари, бошланғич партия ташкилоти котиблари, партия тарғиботчилари соҳа ходимлари билан мулоқотда бўлиб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар:

— Фаолларимиз жойларда аҳолидан тушган саволларни жамлаб олиб келишди. Бу ердаги суҳбатдан сўнг улар яна ўша жойларга бориб, одамлар билан учрашиб, улар қўйган саволларга жавоб қайтарадилар, масалалар моҳиятини тушунтирадилар, — дейди шаҳар партия кенгаши биринчи котиби Р. Юсупов.— Биз ишбилармонлар, корхоналар раҳбарлари ҳамда тиббий хизмат мутахассислари билан ана шундай учрашувлар ўтказдик.

Дарвоқе, бу галги учрашувда «Масжиди Қўнғироқдор» ҳамда «Каттақўрғон» маҳаллалари бошланғич партия ташкилоти котиблари А. Сайфиев, Ғ. Носиров аҳолидан тушган саволларни ўртага ташладилар.

Вилоят марказий банки бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Б. Боймуродов, шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Ж. Примов, вилоят миллий банки бошқаруви бошлиғи, шаҳар партия ташкилоти тафтиш комиссияси раиси И. Рустамов саволларга батафсил жавоб бердилар.

А. ҲАКИМОВ,
Самарқанд шаҳар партия кенгаши бўлим мудири.



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ. Қулай, ҳар томонлама пишиқ мебеллар албатта аҳолига манзур бўлади. Нукус шаҳридаги мебелчиликка ихтисослаштирилган ҳиссадорлик корхонасида ана шундай замонавий намуналардаги мебель маҳсулотлари тайёрланаётир. Германиянинг «Майер» фирмаси мутахассислари диван ва гарнитурлар учун тўшаклар тайёрлаш технологик линиясини ишга туширдилар. Унинг қуввати бир кеча-кундузда 320 дона маҳсулот тайёрлаш имкониятини беради. Тузилган шартномага кўра, Қорақалпоғистондаги деҳқончилик хўжаликлари тўшаклар ичига солинадиган материалларни етказиб беришади. Газламалар эса Андижондаги тўқимачилик комбинатидан олиб келинади.

СУРАТДА: дастгоҳларни ўрнатиб ишга туширувчи Маҳмуд Нуриддинов.

А. МУРОДОВ (ЎзА) олган сурат.

«МЕҲНАТИМ, ИЖОДИМ— ВАТАНИМГА»

«Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак». Ўзбекистон ХДП Наманган вилоят кенгаши мажлислар залини тўлдириб ўтирган талабалар ҳар бирининг кўнглида ана шу фикр мужассам эди. Наманган Давлат дорилфунуни, вилоят партия кенгаши ва Ёшлар иттифоқи вилоят қўмитаси биргаликда уюштирган учрашув «Меҳнатим, ижодим — Ватанимга» мавзусида бўлди. Унда вилоят партия кенгашининг биринчи котиби Азамат Фаёзов, дорилфунун доценти Икромиддин Сирожиддинов, вилоят ёшлар қўмитаси биринчи котиби Икромжон Шарофиддиновлар ёшлар билан олиб бориладиган тадбирлар кўлами ҳақида сўз юритдилар.

Учрашув сўнгида бир гуруҳ талабалар — республика олимпиадаси ғолибларига мукофотлар топширилди.

Раҳимжон ИРИСОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЮЗ-КЎЗИМИЗ

Ўтган йили бирлашмамизда маҳсулотлар харидоргирлигини ошириш мақсадида эркаклар кўйлаги, аёллар халати, костюм-юбкаси, эркаклар костюми, шими, курткаси, болалар кўйлакчалари, шим ва курткалари ишлаб чиқарилди. Режа 105,4 фоиз уддаланди. Гапимни бевосита ишлаб чиқаришдан бошлаётганимга сабаб, у ёки бу жамоат ташкилотининг юз-кўзи — бу самарали меҳнат.

Ютуқлар, аввало, бирлашма раҳбарияти ҳамда меҳнат жамоасининг ҳамжиҳатлиги, ҳар бир ишни катта масъулиятни ҳис этиб амалга ошираётгани натижасидир. Шу ўринда айтиш керакки, бирлашма раҳбариятида ишлаётганларнинг кўпчилиги Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоларидир. Маҳсулот сифатини яхшилаш, иш унумдорлигини ошириш, виждонан ишлаётган тикувчиларга моддий ва манший шароитлар яратилишида бошланғич партия ташкилотимизнинг ҳам салмоқли ўрни бор.

Бизда «Мени Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзолигига қабул қилишингизни сўрайман», деб истак-хоҳиш билдираётганлар сони ой сайин ортиб бормоқда. Ўтган йили сафимизга қирқ беш нафар янги аъзо қўшилган бўлса, шу йилнинг илк ойида 22 кишини қабул қилдик. Мингдан ортиқ йигит ва қизни бирлаштирган Ёшлар Иттифоқи бошланғич ташкилотининг ишларида ҳам партия ташкилотимиз кўмакдошлик қилмоқда.

Сидқидилдан бажараётган ҳар бир ишимиз ҳамда амалга ошираётган тадбирларимиз Ўзбекистон Халқ демократик партияси Дастури ва Низоми асосида олиб борилмоқда. Касаба уюшмаси ташкилоти ва ХДП ташкилоти биргаликда ҳафтанинг ҳар жума кунини «Моддий кўмак» куни деб белгилаган. Худди шу куни бирлашмамизда ишлаётган ёки ишлаб кетган бемор ишчи-хизматчилар ҳолидан хабар олиш, кўп фарзандли ва ночор оилалар хонадонига бориб, уларга моддий ёрдам бериш одат тусига кирган.

Биз партия ташкилотларининг минтақавий учрашувлари тарафдоримиз. Чунки бундай мулоқотлар фақат фойда беради. Шулар орқали ўзаро тажрибалар алмашяпмиз. Яқинда ён қўшнимиз — Андижон шаҳар партия кенгашининг аъзолари, айрим корхона ва муассасалар бошланғич партия ташкилотларининг котиблари Наманганда меҳмон бўлишди. Улар бизнинг бирлашмамизга ҳам ташриф буюришди. Меҳмонларга чеварлар ҳаёти, меҳнат шароитлари ҳамда бошланғич партия ташкилоти фаолияти ҳақида гапириб бердик. Айни пайтда уларга 1994 йилда бирлашмамизда тайёрланадиган янги маҳсулотлар нусхаларидан намуналар намойиш этдик.

Меҳмонлар бошланғич партия ташкилотимиз олиб бораётган ишлардан ва бирлашма аҳлининг бозорни мол билан тўлдириш йўлида кўрсатаётган фидокорлигидан роҳат қамнун бўлишди. Фикримча, бундай минтақавий учрашувлар фақат ютуққа-ютуқ қўшади, партиямизнинг омма орасидаги нуфузини оширади.

Мадина ТЎХТАБОЕВА,
Наманган тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси бошланғич партия ташкилоти котибаси.

ЗАВОДДА КИЧИК КОРХОНА

Ҳозирги бозор муносабатлари даврида одамларни иш билан таъминлаш, иқтисодий жиҳатдан ҳимоя қилиш мақсадида Хўжайли пахта тозалаш заводида ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Ишчилар, муҳандис-техниклар ва хизматчиларнинг унумдор ишлаши учун бу ерда барча шарт-шароитлар яратилган. Шу боисдан йилнинг ўтган тўрт ойлик режалари ошириб адо этилди. Маҳсулотларни етказиб бериш, реализация кўлами 2,5 миллиард сўм-купонни ташкил этди. Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар режаси 127,7 фоизга, тола ишлаб чиқариш 103 фоизга бажарилди.

Айни кунларда ишчилар смена нормаларини 105—110 фоиздан ошириб адо этмоқдалар.

Бу ерда кийим бичиш-тикиш, гилам-палос тўқиш цехлари ишлаб турибди,— дейди завод директори Х. Ремимбаев. Ана шу цехларда ишлаётган чевар қизларнинг қўлларидан чиққан ҳар хил кийим-кечаклар, гилам-палослар бири-биридан чиройли, бир-биридан кўркам. Яқин кунларда қурилиш учун энг зарур шифер ва бошқа материаллар ишлаб чиқарадиган цех ишга туширилади.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• Мустақиллик ғурури

ЭРКИНЛИКНИ ДЕҲҚОН ҲАМ ТУШУНАДИ

ПАЙАРИҚ ТУМАНИ ҲОКИМИ, ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ НОИБИ САЙДУЛЛА БОЙЗОҚОВ БИЛАН СУҲБАТ

— Сайдулла ака, кейинги пайтда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга эътибор ва имтиёзлар берилаётганининг боиси нимада?

— Биринчидан, бу юртбошимизнинг узоқни, келажакни кўра олганликларидан. Иккинчидан, тарихий қонуният бу. Чунки республикамиз аҳолисининг асосий қисми қишлоқда яшайди. Саноат хом ашёсининг ярмидан кўпи шу тармоқда етиштирилади. Шундай экан, қишлоқ хўжалигини юксалтирмасдан мустақил давлат иқтисодий пойдеворини мустаҳкамлаш мумкин эмас. Менимча, Президентимиз айнан ана шу мақсадда тармоқда инқилобий ислоҳотга қўл урдилар ва уни амалга оширишда жонбозлик кўрсатаяптилар.

— Нима деб ўйлайсиз: ушбу инқилобий ислоҳотни амалга оширишга тайёрмизми?

— Тайёрмизгина эмас, маҳталмиз ҳам. ЭРКИНЛИКНИ ДЕҲҚОН ҲАМ ТУШУНАДИ. Фақат унга имкон бериш керак. Тўғри, колхоз, совхоз деган тушунчалар онгимизга шу қадар сингиб кетганки, улардан қутулиш осон кечмайди. Деҳқон маҳкуртга ўхшаб меҳнат қилган. Фақат хом ашё етиштиришнигина эмас, балки бизга қайси бино керак-лигини ҳам юқоридан белгилашган. Шароитимизни ҳисобга олишмаган.

Натижада йиллаб ҳеч ким ичига кирмайдиган шийпонлар қуриб ташладик. Шу пайтгача туманимизда бирорта ҳам саноат корхонаси йўқ эди. Ваҳолонки, машина ва тележкаларда ташилганидан исроф бўлган мевачевалар ҳисобидан қайта ишлаш корхонаси қурганимизда, ҳозиргача ҳамма қишлоқларни завод босиб кетарди. Бозор йўқлигидан деҳқонлар ортиқча маҳсулот етиштиришни ўйламай қўйишди.

Бу гаплар янгилик эмас. Уни деҳқонлар яхши билишади. Улар тармоқда ислоҳот кераклиги ҳақида аллақачон бонг уришганди. Бироқ фақат мустақиллик туфайли шу нарсани амалга оширишга имкон яратилди.

— Гапингизга қараганда туманда иқтисодий ислоҳот чакки бормаётганга ўхшайди.

— Муҳими, биз тўғри йўлга тушиб олдик. Биласизми, тўрт ойда катта деҳқон бозори қурдик. Унинг тўкилгини кўриб ҳавасингиз келади. Биргина ўтган йили туман ҳудудида 1 миллион дона шартли банка маҳсулот ишлаб чиқарадиган консерва заводи, озиқ-овқат маҳсулотлари комбинати, сут қабул қилиш пункти, саноат комбинати, Самарқанддаги трикотаж ва «8-Март» фабрикалари филиаллари ишга туширилди. Ишсиз юрганлардан 2,5 минг киши ускуна ва дастгоҳлар ёнида қўним топдилар.

Ҳадемай, Ўзбекистон — Америка «Сангзор» қўшма корхонаси билан ҳамкорликда қурилган пахта заводини фойдаланишга топширамиз. Бу ерда 500 киши ишлайди. Завод ёнида ип йигирув цехи ҳам қурилмоқда. Йил охиригача тўқимачилик цехи қурилишини бошлаб юборамиз. Мен деҳқон ҳам эркинликни тушунади, деганимда ана шуларни айтмоқчи эдим.

— Сайдулла ака, Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг кейинги мажлисида қишлоқ хўжалигида бошқарув тизимини такомиллаштириш ҳақида гапирди. Бу борада туманда нима ишлар қилиняпти?

— Тўғри, такомил бошқарув тизимисиз деҳқон эрмоқчи эдим.

— Сайдулла ака, Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг кейинги мажлисида қишлоқ хўжалигида бошқарув тизимини такомиллаштириш ҳақида гапирди. Бу борада туманда нима ишлар қилиняпти?

— Тўғри, такомил бошқарув тизимисиз деҳқон эрсулдорлик камайиб кетди. Аҳволни чуқур ўргандик. Маълум бўлишича, хўжалик раҳбарлари ҳиссадорларга ёрдам беришмаган. Уларни техника хизмати, ёқилғи-мойлаш материаллари ҳамда ем-хашак билан таъминлашда сунъий узилишларга йўл қўйилган. Бу масалани ҳокимият мажлисида кўриб чиқдик, айрим раҳбарларга чора кўрдик.

Қизиқ, ана шундай шароитда ҳам фойда билан чиққан ҳиссадорлар бўлди. Бу йилнинг бошида фермаларнинг ҳаммасига «Тадбиркор» банкидан ҳисоб рақами очиб бердик. Бундан ташқари 1990 гектар суғориладиган ер, 60 дан зиёд транспорт воситалари ҳиссадорларга тарқатилди.

Энди уларнинг самарасига келсак, бошланиши ёмон эмас. Қабул пунктларига топширилаётган гўшт ва сутнинг 60 фоиздан кўпроғи ана шу ҳиссадорлар улушига тўғри келаяпти. Улар ўз маблағларидан ана шу маҳсулотларни қайта ишлаш цехлари қуришни бошлаб юбордилар. Фақат бугина эмас. Ижара ва ширкат хўжаликлари ҳам фойда олишнинг турли йўлларини қидириб қолишди. Президентимиз айтганларидек, «Ўзинг учун ўл етим» шиорига амал қила бошлади.

— Фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳақида ҳам шундай дейиш мумкинми?

— Ростини айтсам, улар оғир шароитда қаҳрамонона меҳнат қилмоқдалар. Бизда 117 та фермер ва деҳқон хўжалиги мавжуд. Ҳисоб-китоб қилиб кўрсак, уларнинг 17 тасида қорамоллар сони 5—6 тадан ошмаслисида кўриб чиқдик, айрим раҳбарларга чора кўрдик.

Қизиқ, ана шундай шароитда ҳам фойда билан чиққан ҳиссадорлар бўлди. Бу йилнинг бошида фермаларнинг ҳаммасига «Тадбиркор» банкидан ҳисоб рақами очиб бердик. Бундан ташқари 1990 гектар суғориладиган ер, 60 дан зиёд транспорт воситалари ҳиссадорларга тарқатилди.

Энди уларнинг самарасига келсак, бошланиши ёмон эмас. Қабул пунктларига топширилаётган гўшт ва сутнинг 60 фоиздан кўпроғи ана шу ҳиссадорлар улушига тўғри келаяпти. Улар ўз маблағларидан ана шу маҳсулотларни қайта ишлаш цехлари қуришни бошлаб юбордилар. Фақат бугина эмас. Ижара ва ширкат хўжаликлари ҳам фойда олишнинг турли йўлларини қидириб қолишди. Президентимиз айтганларидек, «Ўзинг учун ўл етим» шиорига амал қила бошлади.

— Ростини айтсам, улар оғир шароитда қаҳрамонона меҳнат қилмоқдалар. Бизда 117 та фермер ва деҳқон хўжалиги мавжуд. Ҳисоб-китоб қилиб кўрсак, уларнинг 17 тасида қорамоллар сони 5—6 тадан ошмаслиги сабаб бўлаётир. Умуман, қишлоқда техника хизмати яхши эмас. Янги трактор фалон пул. Баъзан арзимаган эҳтиёт қисмни фермер ойлаб ахтаради. Шу боис барча туманларда техника сервис хизматини жорий этиш керак. Улар ишбилармонлар билан шартнома асосида ишласин. Айтгандай, шартнома масаласида. Менимча, ҳиссадорлик жамоалари ва фермерлар давлат қабул пунктлари ёки сут заводлари билан тўғридан тўғри шартнома тузганлари маъқул.

Илгари саноат корхоналари билан хўжаликлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик деган нарса бўларди. Ана шуни қайта тиклаш зарур. Бирбирига ёрдам берсин.

Республикамизда, вилоятларда, керак бўлса туманларда қишлоқ ишбилармонлари уюшмасини тузиш давр талабига айланди. Лекин бу ташкилот маъмурий идора эмас, балки шартнома асосида ишлайдиган, фермер ва деҳқонларга амалий ёрдам кўрсатадиган уюшма бўлсин. Айтайлик, у қишлоқ молхоналари учун замонавий лойиҳалар тайёрлатсин, иш юритиш йўриқларини ишлаб чиқсин, тажрибаларни оммалаштирсин, хуллас бу ёғини давом эттириш мумкин.

Халқимизда «Деҳқончилик—бир йилда, чорвачилик —ўн йилда» деган гап бор. Демак, қарз олган чорвадорга сал енгиллик берилсин. Акс ҳолда катта фоизларни тез тўлайман деб у қийналиб қолиши мумкин. Маълумотларга қараганда қишлоқ хўжалиги бутун дунёда ҳатто ривожланган мамлакатларда ҳам ҳамиша қарз ҳисобига ишлар экан. Чунки у етиштирган маҳсулотларнинг аҳоли турмуши, саломатлиги учун фойдали эканлигини ҳеч қандай маблағ билан ўлчаб бўлмайди.

— Шу йил бошларида бир гуруҳ ҳокимлар қаторида Сиз ҳам Францияга борган экан. Лекин экин майдони фермерлар учун ўртача 11 гектарга тўғри келади. Биласизми, бу борада ҳали жуда кўп ишлар қилиш керак. Агар биз бу ҳаракатни қонуний жиҳатдан ҳимоя қилмасак одамлар фермерликдан безиб қолишлари мумкин.

— Афтидан бу борада таклифларингиз борга ўхшайди...

— Тўғри, биз деҳқонга эркин ишлаши учун жуда кўп ҳуқуқлар бераяпмиз. Аммо манфаатнинг асосий мезони — нархни белгилаш унинг қўлида эмас. Мен эркин нархни назарда тутаяпман. Деҳқон ёки фермер маҳсулот баҳосини таннархга қараб ўзи белгиласин.

Маҳсулот кўпаяверса, нарх-наво ўз-ўзидан тушиб кетаверади. Таннархнинг ошишига техника воситалари, эҳтиёт қисмлар ва ёқилғи-мойлаш материалларининг қимматлиги сабаб бўлаётир. Умуман, қишлоқда техника хизмати яхши эмас. Янги трактор фалон пул. Баъзан арзимаган эҳтиёт қисмни фермер ойлаб ахтаради. Шу боис барча туманларда техника сервис хизматини жорий этиш керак. Улар ишбилармонлар билан шартнома асосида ишласин. Айтгандай, шартнома масаласида. Менимча, ҳиссадорлик жамоалари ва фермерлар давлат қабул пунктлари ёки сут заводлари билан тўғридан тўғри шартнома тузганлари маъқул.

Илгари саноат корхоналари билан хўжаликлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик деган нарса бўларди. Ана шуни қайта тиклаш зарур. Бирбирига ёрдам берсин.

Республикамизда, вилоятларда, керак бўлса туманларда қишлоқ ишбилармонлари уюшмасини тузиш давр талабига айланди. Лекин бу ташкилот маъмурий идора эмас, балки шартнома асосида ишлайдиган, фермер ва деҳқонларга амалий ёрдам кўрсатадиган уюшма бўлсин. Айтайлик, у қишлоқ молхоналари учун замонавий лойиҳалар тайёрлатсин, иш юритиш йўриқларини ишлаб чиқсин, тажрибаларни оммалаштирсин, хуллас бу ёғини давом эттириш мумкин.

Халқимизда «Деҳқончилик—бир йилда, чорвачилик —ўн йилда» деган гап бор. Демак, қарз олган чорвадорга сал енгиллик берилсин. Акс ҳолда катта фоизларни тез тўлайман деб у қийналиб қолиши мумкин. Маълумотларга қараганда қишлоқ хўжалиги бутун дунёда ҳатто ривожланган мамлакатларда ҳам ҳамиша қарз ҳисобига ишлар экан. Чунки у етиштирган маҳсулотларнинг аҳоли турмуши, саломатлиги учун фойдали эканлигини ҳеч қандай маблағ билан ўлчаб бўлмайди.

— Шу йил бошларида бир гуруҳ ҳокимлар қаторида Сиз ҳам Францияга бориб келгандингиз. Хориж сафари ҳақида икки оғиз гапириб берсангиз.

— Дарҳақиқат, бир гуруҳ вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари билан биргаликда Франсияда бўлиб қайтдим. Франция ғўзал табиий иқлимга эга бўлган ўта ривожланган индустриал-аграр мамлакатдир. У қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш бўйича Ғарбий Европада етакчи ўринларни эгаллайди.

Биз Нормандия департаментида чорвачилик маҳсулотлари, дон, қанд лавлаги етиштирадиган фермерлар билан учрашдик. Марсель департаментида Делапланк фирмасига қарашли вино етиштирувчи, қанд лавлаги уруғи етиштирадиган; мевачилик билан шуғулланадиган фермерлар ишлари ва Делапланк уруғ етиштирувчи станцияси ишлари билан танишдик.

Ҳамма жойда мулк эгаларига хусусий қилиб берилган. «Сен у ишни ёки бу ишни бажар» деб кўрсатма берувчи йўқ. Бошоқли дон ҳосилдорлиги гектарига 90 центнерни, шакар давлаги 850 центнерни, ҳар сигирдан соғиб олинадиган сут ўртача 6 минг килограммни ташкил қилади. Умуман олганда бу мамлакатда маҳсулот етиштиришда муаммо йўқ, фақат уни сотишда муаммолар бор экан Деҳқончилик маданияти ўта юқори, бир қарич ҳам бўш ер йўқ. Экилган экини сийрак, кўкармай қолган мевали дарахт, узум ёки ўсимлик йўқ. 50—80 гектар ерга эга бўлган фермер хўжаликларида 3—4 киши ишлайди, холос. Президентимиз айтганларидек, қишлоқ хўжалигида ишловчилар сони 5—7 фоиздан ошмайди.

Энди, ана шу кўриб келган нарсаларни ҳар бир ҳоким ўз тумани билан таққослаб, уни амалга ошириш учун ташаббус кўрсатиб, меҳнат қилиши зарур.

«Ўзбекистон овози» мухбири Фармон ТОШЕВ суҳбатлашди.

ИНСОФ САРИ БАРАКА!

Осиё бозори

№ 62

1994 йил 9 июнь.

"ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ" ГАЗЕТАСИНИНГ АХБОРОТ-ТИЖОРАТ ИЛОВАСИ



Келажак процессори





Power Macintosh 6100/60 *Power Macintosh 7100/66* *Power Macintosh 8100/80*

бугунги Макинтошларда ишламоқда

Бугун Apple Computer фирмаси Сизнинг эътиборингизга Power Macintosh - PowerPC процессорлар асосида ишлайдиган биринчи компьютерларини ҳавола этади

PowerPCтехнологияси шахсий компьютерларнинг қиёфасини ўзгартиради. У билан бирга Apple™ Макинтош компьютерларининг янги авлоди яратилмоқда.

Power Macintosh илгари фақат компьютер тармоқ серверлари ва оғир ишчи станциялар бажара оладиган унумдорликка эга. Бундай қувват уни нутқ, видео ва телекоммуникацияларни ажратиш қобилияти бирлаштирган, Apple-ни графика ва AudioVideo-технологияларида алоҳида фойдаланиш учун жадвал ҳисоблаш масалаларга мумкин қадар яроқли қилади.

Power Macintosh ўзбек ва рус тилларидаги операцион тизимларига эга бўлган ҳолда, Макинтош учун тузилган минглаб дастурлар билан ва, ундан ташқари, DOS ва Windows билан қўшилиб ишлайди. Янги ечим RISC-PowerPC процессорининг афзалликларидан тўла фойдаланиётган ўнлаб амалий дастурларга эга.

Ҳозир биз ҳар бирининг унумдорлиги Intel Pentium процессори негизидаги машиналарга тенг балки устун турадиган учта турдаги Макинтошларни тақдим этамиз:бу арзон Power Macintosh 6100/60, унумдорли 7100/66, ва энг қувватли модель - 8100/80.

Янгича ечимнинг афзалликлари фақат Power Macintosh туркумигагина таалуқли бўлиб қолмасдан, балки мавжуд Макинтош моделларининг кўпчилигини қўшимча платалар ёрдамида замонавийлаштириш мумкинлигидадир.

Агар келажагингиз компьютерлар билан боғлиқ бўлса, шундай қилингки, унда келажак учун ҳам жой топилсин.

PowerPC™ Macintosh

Келажак етиб келди. Ва у Сиз кутганингиздан ҳам яхшироқдир

Кўпсонли дилерлар Сизнинг хизматингизга тайёр. ABSYS- Asian Business SYStems Apple Computer, Inc. корпорациясининг Ўрта Осиё давлатларидаги расмий дистрибьюторидир. Қўшимча маълумотни 32-38-68 телефон орқали олишингиз мумкин. Дилерлик бўйича таклифлар қабул қилинмоқда © Apple Computer, Inc. 1994. Муаллифлик ҳуқуқлари сақланади. Apple, Apple логотипи, Макинтош, Macintosh ва Power Macintosh - бу Apple Computer, Inc.-нинг рўйхатга олинган савдо маркаларидир. PowerPC- бу International Business Machines корпорациясининги рўйхатга олинган савдо маркасидир ва лицензия бўйича ишлатилмоқда. ABSYS- бу Asian Business SYStems- Authorized IMC компаниясининг рўйхатга олинган савдо маркасидир. Ушбу реклама Macintosh компьютерида тайёрланган.

ДИҚҚАТ, ДИҚҚАТ, ДИҚҚАТ!

Эшитмадим деманглар! Ижтимоий ҳимояга муҳтожмисиз! Келинг, ёрдам берамиз! Касбингизни ўзгартирмоқчимисиз! Марҳамат, хизматингизга тайёрмиз! Янги иш ўринларни ташкил этмоқчимисиз!

Бажонидил, ёрдамлашамиз! Иш жойингиз талабга жавоб берадими! Унинг Давлат шаҳодатидан ўтказилишини хоҳлайсизми!

Марҳамат, хизматингизга тайёрмиз. Юқоридаги ва шу каби барча масалаларда жойлардаги бўлинмаларимизга мурожаат қилишингиз мумкин. Ҳамиша хизматингизга мунтазирмиз.

Бизнинг телефонларимиз:

Туманлар

1. Бекобод —	5-29-86
	5-21-87
2. Бўстонлиқ	2-15-13
	2-24-31
	2-23-35
3. Бўка	3-75-69
	3-53-63
4. Зангиота	5-32-44
5. Оққўрғон	9-11-88
	9-12-47
	9-14-81
6. Оҳангарон	5-16-70
7. Паркент	2-21-68
8. Пискент	5-26-94
9. Тошкент	5-67-30
10. Ўрта Чирчиқ	2-13-83
	2-16-83
11. Қибрай	6-21-47
	6-31-82
12. Қуйи Чирчиқ	7-38-65
13. Чиноз	5-10-73
14. Юқори Чирчиқ	3-19-85
	3-19-01
15. Янгийўл	7-32-64

ШАҲАРЛАР

1. Ангрен	2-22-40
	2-68-25
	2-22-89
2. Бекобод	33-77
	49-95
	32-22
3. Олмалиқ	4-28-59
	4-35-17
	4-20-14
4. Оҳангарон	5-31-77
5. Чирчиқ	5-32-30;
	6-20-83;
6. Янгиобод	4-06-57;
	4-09-37;
7. Янгийўл	7-64-38
	7-22-30

Тошкент вилояти меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бош бошқармаси.

ПОКИСТОН ДАВЛАТ ЭКСПОРТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЮРОСИ

ПОКИСТОННИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЭЛЧИХОНАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР ВАЗИРЛИГИ

СИЗЛАРНИ ПОКИСТОН МАҲСУЛОТЛАРИ КЎРГАЗМАСИГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Кўргазма 1994 йил 14-20 июнь кунлари Ўзэкспомарказда (собиқ ВДНХ) ўтказилади

Кўргазмада қуйидаги маҳсулотлар билан танишишингиз мумкин:

Саноат моллари, машина асбоблари, цемент ва шакар заводлари, электроника ва электр моллари, автомобиллар ва эҳтиёт қисмлари, пахта, жун, текстиль, полиэстер газмоллари, тайёр кийимлар, пайпоқ маҳсулотлари, сочиқ, чармдан қилинган буюмлар, оёқ кийим, фармацевтика, спорт буюмлари, жаррохлик ускуналари, косметика, кимёвий озиқалари, тамаки ва сигареталар, гуруч озиқ-овқат маҳсулотлари, ёғочдан ясалган уй жиҳозлари, халқ амалий санъати усталарининг маҳсулотлари.

Маълумот учун телефонлар: 771442, 771003, 778272

БИЛДИРУВ

«ЎЗРОССТАНКО» ҚЎШМА КОРХОНАСИ

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ўзбек ва хорижий юридик шахслар ҳамда фуқаролар иштирокидаги қўшма корхоналар рўйхатидан ўтганлигини маълум қилади.

Қўшма корхона манзилгоҳи:

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Абжалбой қўрғони, 1.

«ЖЎРА» ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ

БУЙИЧА 1994 ЙИЛ 10—11 МАЙ КУНЛАРИ ЖАРҚУРҒОН ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛГАН БИРИНЧИ ТИРАЖНИНГ

РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Серия номери	Билет номери	Ютуққа чиққан буюмлар номи ёки пул ютуғи миқдори (сўм-купон)		Ютуққа чиққан буюмларнинг сўмдаги қиймати (сўм-купон)
000001	001*	1000		
000036	098*	1000		
000112	1—100	200		
000129	100*	1000		
000246	012*	1000		
000300	1—100	200		
000342	029*	10.000		
000420	1—100	200		
000448	081*	10.000		
000600	002*	10.000		
000648	069*	1000		
000677	1—100	100		
000768	076*	Магнитафон		100.000
000809	064*	1000		
000847	081*	1000		
000879	019*	500		
000896	018*	10.000		
000920	1—100	100		
000998	1—100	100		
001049	024*	1000		
001101	001*	1000		
001102	074*	10.000		
001143	077*	10.000		
001164	022*	2X3	метрли гилам	70.000
001265	087*	1000		
001481	081*	500		
001496	1—100	200		
001548	098*	10.000		
001553	073*	1000		
001791	080*	1000		
001797	049*	1000		
001859	074*	1000		
001863	010*	1000		
001865	042*	1000		
001890	025*	1000		
001921	1—100	200		
001939	080*	1000		
001965	071*	50.000		
001975	071*	1000		
002006	1—100	200		
002033	065*	1000		
002116	1—100	100		
002132	001*	25.000		
002135	035*	1000		
002174	055*	1000		
002191	075*	1000		
002381	014*	1000		
002401	067*	1000		
002404	057*	10.000		
002414	069*	1000		
002451	059*	1000		
002491	071*	1000		
002536	028*	1000		
002684	005*	1000		
002774	092*	1000		
002777	017*	Совға		15.000
002910	008*	1000		
002971	1—100	100		
003041	013*	1000		
003102	022*	10.000		
003160	050*	1000		
003222	035*	25.000		
003239	038*	1000		
003255	002*	10.000		
003294	081*	1000		
003321	003*	1000		
003337	043*	1000		
003398	047*	500		
003442	021*	10.000		
003460	003*	1000		
003476	087*	1000		
003499	041*	1000		
003501	080*	1000		
003721	029*	1000		
003725	071*	10.000		
003754	037*	Совға		15.000
003825	038*	1000		
003835	048*	1000		
003859	017*	10.000		
003929	051*	1000		
003948	070*	10.000		
003992	061*	1000		
004014	040*	10.000		
004015	100*	1000		
004061	006*	1000		
004102	082*	1000		
004121	056*	1000		
004127	023*	2X3	метрли гилам	70.000
004136	083*	1000		
004214	1—100	100		
004243	095*	500		
004296	038*	1000		
004330	021*	Магнитафон		100.000
004444	041*	1000		
004447	026*	1000		
004454	039*	1000		
004475	019*	1000		
004534	045*	1000		
004550	089*	1000		
004671	067*	500		
004700	1—100	100		
004789	095*	1000		
004797	021*	10.000		
004848	071*	1000		
004902	009*	1000		
004918	021*	1000		
004924	057*	1000		
004940	038*	Совға		15.000
004941	047*	1000		
004950	060*	25.000		
004971	028*	Совға		15.000
005008	049*	1000		
005009	095*	10.000		
005023	002*	1000		
005057	070*	10.000		
005121	1—100	100		
005125	034*	Совға		15.000
005222	085*	50.000		
005247	008*	1000		
005258	080*	1000		
005267	093*	1000		
005294	1—100	200		
005313	008*	10.000		
005318	1—100*	100		
005324	083*	10.000		
005384	1—100*	200		
005449	095*	1000		
005455	1—100	200		
005460	037*	1000		
005523	098*	1000		
005535	1—100	100		
005536	1—100	200		
005593	1—100	200		
005698	047*	10.000		
005708	081*	1000		
005710	043*	1000		
005725	090*	10.000		
005737	1—100	200		
005766	017*	1000		
005789	066*	10.000		
005795	046*	10.000		
005823	047*	Совға		15.000
005841	008*	1000		
005919	1—100	200		
005940	069*	500		
005978	1—100	200		
005989	011*	2X3	метрли палос	35.000
006009	002*	Совутгич		250.000
006118	038*	10.000		
006205	1—100	100		
006246	005*	1000		
006288	076*	Совға		15.000
006304	093*	Совға		15.000
006363	091*	10.000		
006509	037*	1000		
006536	018*	1000		
006562	073*	500		
006578	007*	2X3	метрли палос	35.000
006594	062*	1000		
006760	038*	10.000		
006804	088*	1000		
006810	008*	1000		
006821	095*	1000		
006836	082*	10.000		
006869	1—100	100		
006911	002*	1000		
006942	075*	1000		
006949	009*	1000		
007018	079*	1000		
007041	077*	1000		
007043	097*	1000		
007063	1—100	200		
007067	035*	1000		
007068	072*	1000		
007069	032*	1000		
007147	056*	1000		
007158	068*	10.000		
007177	040*	2X3	метрли палос	35.000
007203	041*	1000		
007265	006*	1000		
007338	049*	1000		
007414	046*	1000		
007503	100*	10.000		
007513	080*	100.000		
007600	025*	2X3	метрли палос	35.000
007617	003*	1000		
007651	007*	25.000		
007653	058*	1000		
007654	080*	1000		
007711	077*	1000		
007767	085*	2X3	метрли палос	35.000
007770	1—100	100		
007783	049*	1000		
007840	079*	1000		
007837	028*	1000		
007897	021*	1000		
007971	008*	500		
008109	031*	1000		
008153	016*	10.000		
008154	014*	2X3	метрли палос	35.000
008223	049*	1000		
008251	049*	10.000		
008248	072*	1000		
008257	004*	10.000		
008295	073*	1000		
008304	070*	2X3	метрли палос	35.000
008326	1—100	100		
008339	089*	1000		
008350	080*	10.000		
008395	088*	Совға		15.000
008470	040*	1000		
008541	1—100	200		
008602	099*	1000		
008611	1—100	100		
008670	039*	10.000		
008693	037*	1000		
008705	049*	10.000		

(Давоми навбатдаги сонларда эълон қилинади).

*** Шу серияннинг қолган 99 номерига 100 сўм-купондан ютуқ чиқди.**

— 10.000 сўм-купонгача бўлган пул ютуқлари:

ТОШКЕНТ шаҳрида: «Ўзбекистон овози» газетасининг «Осиё бозори» ахборот-тижорат иловаси бўлимида, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 346-хонада.

СУРХОНДАРЁ вилоятида барча алоқа бўлимларида тўланади.

10.000 сўм-купондан юқори бўлган ютуқ эгалари «Жўра» кичик корхонасига мурожаат қиладилар:

ЖАРҚУРҒОН ШАҲРИ, УТАНОВ КЎЧАСИ, 2-уй.

Диққат! Ушбу жадвални бошқа рўзномаларда кўчириб босишга рухсат этилмайди. Лотерея ютуқлари жадвали фақат «Осиё бозори» иловасида босилади!

ДИҚҚАТ! ҚЎЛИНГИЗДАГИ ЛОТЕРЕЯНИ ТАШЛАБ ЮБОРМАНГ! ЧУНКИ У СЕНТЯБРЬ ОЙИДА БЎЛАДИГАН 2-ТИРАЖДА ҲАМ ЎЙНАЛАДИ. СИЗГА ОМАД ЁР БЎЛСИН!

Ютуқларни 1994 йилнинг 31 декабригача олишингиз мумкин.

Тираж комиссиясининг раиси — Жарқўрғон шаҳар ҳокими — Ж. ИСКАНДАРОВ.

Тираж комиссиясининг масъул котиби — Қ. ДУСМУҲАМБЕТОВ.

МУАССИС: «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИ.

Нашр учун масъул Тўхтамурод ТОШЕВ.

Ҳафтада бир марта чиқади.

«Осиё бозори» Ўзбекистон Республикаси Матбуот давлат қўмитасида рўйхатга олинган. Гувоҳнома № 000176.

Эълон ва билдирувлар нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан қабул қилинади.

ТЕЛЕФОНЛАРИМИЗ: 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55.

БИЗНИНГ МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32, 3-қават, 344, 346-хоналар.

Индекс: 75487.

ДАН масканига туташар боғлар

Баъзан ранжиймиз. ДАН ходими машинамизни тўхтатгани оғир ботади. Ўзимизни камситилган ҳисоблаймиз ғўё. Аслида бу нотўғри. Чунки ДАН ходимиям хизмат вазифасини бажариши керакми? Керак. Ҳужжатни кўздан кечириш, транспорт созлигини сўраш, қоидага биноан юришни талаб қилиш оғир гап эмас-ку!

Ўйлаб кўрилса, ДАН ходимигаям қийин. Ҳар куни, ҳар дақиқада ҳар хил одам билан муомала қилади. Иссиқми, совуқми, ёғин-сочинми постида туради. Унинг дам олиши, шароитига эътибор ҳаминқадар эди. Ўшандада 1993 йилнинг 30 октябрида ДАН масканларини ободонлаштириш, жиҳозлаш, таъмирлаш, хизматни яхшилаш ва бошқа камчиликларни йўқотиш мақсадида Ички ишлар вазирлиги 817-сонли кўрсатма тайёрлаб, республика ИИБларига юборган эди.

Ички ишлар вазирлигининг бу кўрсатмаси ҳамма жойдаям эпланганй йўқ. Қурилиш материалларининг тақчиллиги сабаб бўлаётир бунга. Аммо Сирдарёдагилар унинг эпидан чиқишди. Вазирликнинг кўрсатмаси узлуксиз амалга оширилмоқда.

— Яратилаётган шароитларни халққа, йўловчиларга бўлган ҳурмат деб биламан, — дейди Сирдарё ДАН масканн катта инспектори Илҳом Ҳакимов.— Негаки, бу ерда фақат биз эмас, ўтганқайтган ҳам бир зум ҳордиқ чиқаради. Қўноқ бўлади. Бундан ташқари ҳар бир ДАН маскани атрофида ташкил этилаётган боғ-роғ шу халқ, юртники-да.

Жуда қисқа вақтда вилоят тевараги ДАН масканларила ўралди. Шундай ҳалқа яратилганки, бу ҳудудда ундан қоидабузарлар, жиноятчилар қочиб кетаолмайди. Ўн бешта маскан бир-бири билан занжир ҳосил қилгач шундай бўлади ҳамда.

Қурилаётган масканларда ДАН ходимларининг ҳам хизмати бўлаётганини таъкидламаса бўлмас. Шароф Рашидов туманининг Жиззах чегарасида тикланган икки қаватли бино қурилишида милиция старшинаси Тоҳир Ҳожиматов сидқидилдан меҳнат қилди. Маҳалла аҳли, дўстларини тўплаб кеча-кундуз тинмади. Ана шу биноям фойдаланишга топширилди. Республика ДАН бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги М. Бекмуродов, Сирдарё вилоят ИИБ бошлиғи, полковник П. Жумаевлар масканнинг очилиш маросимида қатнашиб, унинг тикланишига ҳисса қўшганларга мамнунлик изҳор этдилар.

Ўша маҳалда Меҳнатобод туманидаям «Мингтерак» деб номланган ДАН масканининг очилиш маросимига ҳозирлик кўриларди. Унинг тикланишида туман ҳокими Синдор Норчаев катта ёрдам қилди. Умуман олганда, ҳокимнинг милицияга эътибори яхши. Ўшандан-да, туман ИИБга маҳаллий бюджет ҳисобидан қўшимча олти нафар ходим қабул қилинажагини айтди.

Республикамизда жиноятчиликка қарши кескин кураш кетаётган даврда милицияга кўрсатилаётган бу эътибор халқнинг осойишталигига қаратилган эътиборидир.

Фикр туғилиши мумкин: қурилаётган иморатлар фақат ДАН ходимларига хизмат кўрсатадими? Ундаймас. Биноларнинг кўпида милиция участка вакили, бало.ғатга етмаганлар билан ишловчи нозир ва маҳалла қўмитаси фаолларига ажратилган хоналар ҳам бор. Бу — бир бутунлик муаммоларни ҳар томонлама ечим топишида қўл келаётир.

Юқорида таъкидланганидек, вилоятда ДАН биноларини қуриш тезлашди. Мирзаобод, Оқолтин туманларининг кўзга ташланадиган жойларида ҳам ҳашамлар бунёд этиляпти. «Сардоба» аталмиш маскан фойдаланишга топширилди.

Ховос туманида янги ДАН биноси қурилаётган бўлса, Боёвутда унинг учтаси тикланмоқда.

Яратилаётган шароит йўловчи билан маҳаллий аҳоли ўртасида яқинлик, ўзаро ҳурмат муносабатларини йўлга қўйиши табиий. Ўтаётгандами, қайтаётгандами бир зум ҳордиқ баҳона гурунглашасиз, чойлашасиз. Шу тарздаги танишувлар ошна-оғайнигарчилик, қуда-андачиликка сабаб бўлар балки.

Бўш пайтларда, имкон яратилганда Давлат автомобиль назорати ходимларини ҳам дам олгиси, ҳордиқ чиқаргиси келади. Шунинг учун ҳам вилоят ДАН бўлими биноси таъмирланди. Унинг базасидаги спорт мажмуи, дам олиш хоналари, ошхона, сауна ДАН ходимлари хизматида. Сабзавот етиштирадиган иссиқ хоналардаги мева-чевадан ходимлар баҳраманд.

Сўраб-суриштирилса ҳокимият, ИИБ, ташкилот, хўжалик ва халқнинг иноқлиги Сирдарёдаги бу ишларга омил бўлибди. Қарангки, республика Ички ишлар вазирининг кўрсатмаси баҳона йўл четлари боғ-роғли масканга айлантирилаётибди. ДАН биноларини мевазорлар оғушида кўришга не етсин.

Қурбон АЛИ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Табиатни кўз қорачиғидай асраб-авайлаш, минг йиллар давомида мўъжизакор мавж уриб турган булоқлар сеҳрини, кўм-кўк боғларнинг қушлар қўшиғига тўлган тароватини келажак авлодларга бешикаст етказиш бизнинг энг олий мақсадларимиздан биридир.

«БОҒИ ЭРАМ»ДА БАЙРАМ

Яқинда «Боғи эрам» истироҳат боғида Республика Табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг ана шу мақсад режаси асосида ташкил этилган йирик анжуман бўлиб ўтди. Кечада иштирок этган Республика Табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг раиси Асқад Ҳабибуллаев мазкур ташкилот аъзоларини БМТ қарорига биноан эълон этилган Халқаро табиатни муҳофаза қилиш куни айёми билан самимий қутлаб, қатнашувчиларга Президентимизнинг табрик хатини ўқиб эшиттирди.

Анжуман давомида қўмита раиси республика ва вилоят ташкилотларининг айрим аъзоларини ҳукуматимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлганликлари билан қутлади ва қўмитанинг фахрий ёрлиқларини топширди.

Йиғилиш куй ва қўшиқларга уланиб, иштирокчилар хотирасида ёрқин из қолдирди.

Толиб ТУРАҚУЛ.

• Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир!

30 МИНГ СЎМЛИК ГУГУРТ

Бир дона гугурт қутиси 30 минг сўм-купон бўлибдими деб, ўйладингизми? Ундаймас. Бўкалик Т. Т. нинг уйидан ашёвий далил сифатида олинган 99 дона гугурт қутисининг ҳар бирини мутахассислар ўттиз минг сўм-купондан баҳолашмоқда.

Сирни оча қолайлик, бу гугурт қутиларига кучли гиёҳванд моддалари солинган экан. Бундай «тадбиркорлик» учун ҳуқуқбузар қонун олдида жавоб беради.

ДУГОНАСИНИ ПИЧОҚЛАДИ

Ҳамма нарсанинг меъёри яхши. Агар у бузилса, мувозанат ҳам йўқолади. Буни Олмалиқ шаҳридаги икки дугонанинг спиртли ичимликларни ортиқча ичиб, кўрсатган нағмалари ҳам исботлаб турибди. И. Бамбуродова Н. Гусаров билан О. Дьякова хонадонига кўнгил очиш ниятида келади. Аракдан тўйган Бамбуродова ошхона пичоғи билан О. Дьяковага оғир тан жароҳати етказади. Ўша чоғ бутун вужуди арақ исканжасида бўлган Бамбуродованинг кайфи тарқаб, ўзига келганида дугонаси О. Дьякова ҳалок бўлган эди.

БУ ҲАМ ИЧКИЛИК ТУФАЙЛИ

Олмалиқлик А. Карпов ва Ф. Гордеевлар содир этган ваҳшийликни эшитганларнинг тепа сочи тикка бўлади. Улар ҳам ичиб олиб, Е. Р. ни дастлаб ўзларига тер-таносил касаллиги юқтирганликда айблаб, оғир тан жароҳати етказадилар. Сўнгра улар ёнига ҳозирча шахси аниқланаётган икки номаълум йигит келиб қўшилиб, жабрланувчининг номусига тегишади.

Ўсмирларга қизнинг қаршилик кўрсатаётгани ёқмай, бошига тош билан навбатма-навбат ура бошлайдилар. Олинган тан жароҳатидан Е. Р. ҳаётдан кўз юмади.

Ҳозир қотиллар А. Карпов ва Ф. Гордеев терговчининг саволларига жавоб беришаяпти.

ҚОЧИБ КЕТГАНДИ

Айрим учар автомобиль ҳайдовчилари йўл транспорти ҳодисаси содир этганларидан сўнг шикастланган фуқароларга ёрдам кўрсатмай жуфтакни ростлаб қолмоқдалар. Қибрайлик Б. Ҳотамов ҳам шундай қилди. Ўзи бошқараётган тракторда йўловчини туртиб юборибди, қочиб кетди. Яхшиямки, орамизда яхши одамлар кўп, улар туфайли жабрдийда У. Қосимовга тезда тиббий ёрдам кўрсатилди.

«Югуриш устаси» Б. Ҳотамов эса, энди терговда жавоб беради.

Р. ЕДГОРОВ,
Тошкент вилоят ички ишлар бошқармаси матбуот маркази раҳбари.

ХАРЧИНОМА

КОРХОНАЛАР, ХЎЖАЛИКЛАР, ФИРМА РАҲБАРЛАРИ, ИШБИЛАРМОНЛАР

ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги вилоят бошқармаси «Жиззахташқисавдо» фирмаси ҳамда Чехия Республикасининг «КОНРЕЯЛ» фирмалари 1994 йил 10—14 июнь кунлари Ю. Ражабий номли вилоят драма театри биносида Чехия Республикасида ишлаб чиқарилган кенг истеъмол моллари савдоси ҳамда қўшма корхонаси тузиш тўғрисидаги шартнома кўргазмасини ўтказади.

Кўргазмадаги халқ истеъмол моллари тўғридан-тўғри мол айирбошлаш йўли билан харид қилишингиз мумкин.

ҚЎРГАЗМАГА МАРҲАМАТ!

Маълумот учун телефонлар: 3-35-76, 3-18-31, 4-34-58, код 8-372-22.

• Санъат

Жамила Равшанова табиат сеҳридан наволар ўрганиб, дилини қўшиққа ошно қилганлардан. У анҳор соҳилидаги гўзалликка боқди, қушлар қўшиғини бутун вужуди билан тинглади. Шунданми, шалоладай тиниқ, жўшқин, қушлар нағмасидай бетакрор садолар унинг ҳам овозига кўчди. Биринчи қўшиғини ҳам ана шу яшил маскан бағридаги шўх шалолага, ўйноқи қушларга айтиб берганди.

ЧЎЛ ЧАМАНИ БУЛБУЛИ

Хонанда бугун ўша бахтиёр дамларини гулларга бурканган сўлим қишлоғи-ю, шалолага айтган қўшиқларини энтикиб эслайди. Сўнг Гулистон шаҳридаги мусиқа билим юртида таҳсил олган дамлари кўз олдига келади.

Ҳозирда Жамила Равшанова Дўстлик туманидаги «Дўстлик чамани» халқ ансамблининг бадиий раҳбари. У республикамиз Президентининг Фармонига кўра Фахрий ёрлиқ билан мукофотланди. Шу баҳона Жамила билан учрашиш истаги туғилди. У 1976 йили санъат билим юрти йўлланмаси билан ана шу туманга келиб, маданият бўлими қошида бадиий ҳаваскорлик тўгараги ташкил этди. Тўгаракка чўл.қуварлар орасидан қобилиятли ёшларни тўплаб, уларга ижрочилик санъати ва маҳоратини ўргата бошлади. Тўгарак аъзолари механизаторлар, сувчилар, сут соғувчилар, муаллим ва ўқувчилар эди. Улар Жамила раҳбарлигида ишлаб эринмадилар. 1980 йилга келиб дастага халқ ансамбли мақоми берилди ва уни «Дўстлик чамани» деб атадилар.

Бу ёш санъаткорларни янги ижодий муваффақиятларга руҳлантирди. Уларнинг қўшиқ хазинаси кундан-кунга бойиди. Улар орасида собиқ Иттифоқ халқларигина эмас, чет тиллардаги ашулалар кўпайди. Шу интилиш сабаб бўлиб, «Дўстлик чамани» 1981 йили Венгрияда, 1984 йили Юнонистонда ижодий сафарда бўлиб қайтди. Ана шу мамлакатларда хушовоз Жамила Равшанова томошабинларнинг диққат-эътиборида бўлди. Ўзбек қўшиқлари жозибадорлигини намойиш этиш билан бирга ўз репертуарини ҳам бойитиб қайтди.

У қўшиқларни дид билан танлайди, мусиқаларнинг халқчиллигига алоҳида эътибор беради. Саҳна маданияти юксак. 1980 йили республика ойнаи жаҳонининг «Қўшиқ айтган етар муродга» кўрик-танловида III даражали диплом билан тақдирланди. 1981 йилда вилоят Ёшлар Иттифоқи мукофотининг совриндори бўлди. 1987 йили Бутуниттифоқ фестивалида махсус, республикамизнинг «Камолот—89» кўрик танловида II даражали диплом билан мукофотланди.

Жамила Равшанова изланишдан толмайдиган санъаткор. Унинг репертуаридан халқ қўшиқлари, мақомлар, лапарлар билан бирга замонавий эстрада қўшиқлари ҳам кенг ўрин олган. Айниқса, «Ўзбекистон», «Менга қўшиқ, наво керакдир», «Атиргулим», «Сени эслаб», «Мен сизни, азизим...», «Савол бердим булбулга» каби қўшиқларни ниҳоятда маромига етказиб куйлайди. Жамиланинг ташаббуси ва раҳбарлиги билан 1982 йилда «Интизор» эстрада жамоаси ташкил этилиб, қисқа вақт ичида вилоят ва республика санъат ихлосмандларига танилди. Орадан бир йил ўтгач, бу жамоага ҳам Халқ дастаси мақоми берилди. Жамилахон «Интизор» халқ дастаси билан бир қанча мамлакатларда, жумладан, Булғория ва Олмония саҳналарида ўзбек қўшиқчилик санъатини намойиш этди.

Жамила яқинда яна бир ҳаяжонли воқеани бошдан кечирди. Қозоғистон ва Ўзбекистон ёш санъаткорларининг кўрик-танловида муваффақиятли қатнашиб, машҳур «Медео» саҳнасида куйлаган таниқли санъаткорлар сафини бойитди.

Сиз Жамилани танийсиз, ойнаи жаҳон кўзгусида кўргансиз, қўшиқларини республика радиосидан кўп эшитгансиз. Эҳтимол, саҳналарда, байрам базмларида, тўй-томошаларда учрашгандирсиз. Ўшанда Жиззах вилояти қўшиқ санъатининг ёрқин юлдузларидан бири Жамилахон ҳақида кўнглингизда илиқ туйғулар ҳис этгансиз ҳам. Унинг қўшиқлари кўпчиликка маъқул. Бу эса унинг бахтидир.

Келдиёр ЖУРАҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• Спорт

УРИНЛАРДА ЎЗГАРИШ

● Кеча олий лига футбол жамоалари ўртасида мамлакат миллий чемпионатининг 10-тур ўйинлари ўтказилди.

Аввалги тур баҳсларида «Наврўз» футболчиларининг омадлари келиб, жами очколарини 12 тага етказган ҳолда 3-ўринга кўтарилдилар. 11 тадан очко тўплаган «Пахтакор», «Навбаҳор», «Трактор» жамоалари кучли олтиликдан жой олиб туришибди. «Нефтчи» 16 очко билан ягона пешқадамлик қилмоқда. 2-ўринда бораётган «Нурафшон» ҳисобида 14 очко бор. Кеча фарғоналиклар «Янгиер» майдонида тўп сурдилар. «Нурафшон» — «Темирйўлчи» футболчиларини қабул қилди.

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИДА

● Алмати шаҳрида Марказий Осиё мамлакатлари ўсмирлар терма жамоалари ўртасида Осиё чемпионатининг гуруҳ ўйинлари ўтказилмоқда.

Акмал Азизхўжаев устозлик қилаётган футболчиларимиз икки учрашув ўтказиб, 3 очко билан биринчи ўринни эгаллаб туришибди. Вакилларимиз Тожикистон жамоасини 3:1 ҳисобида енгиб, майдон эгалари билан ўйинни дуранг (0:0) қилишди. Қирғиз ва қозоқ футболчиларида 2 тадан очко бор. Туркманистон жамоаси 1 та очко тўплаган. Тожикистонликлар ҳозирча очкосиз.

«ОЛТИНКЎЛ» ЎЙИНГОҲИ

● Андижонининг «Олтинкўл» футболчилари учун ажойиб совға тайёрланмоқда.

Биринчи лигада илк марта қатнашаётган олтинкўлликлар яқин кунларда учрашувларни янги ўйингоҳда ўтказадилар. Ўйингоҳни қуришда Олтинкўл трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси ҳомийлик қилмоқда. Бунёдкорлик ишларини «Андижонирригациякурилиши» трестига қарашли туман механизациялашган қўшма колонна жамоаси бажармоқда.

ДИҚҚАТ!

Ўзбекистон Республикасининг лаҳза лотереясига чиққан ютуқларни тўлаш муддати 1994 йилнинг 30 июнига қадар белгиланган.

Шу муддатдан сўнг ютуқлар тўловга қабул қилинмайди.

«ЭКОСАН» фонди — «ВОСТОК» фирмаси — ЎЗБЕКИСТОН Жамғарма банки

1 ИЮНДАН БОШЛАБ ЭЛЕКТР ҚУВВАТИ УЧУН ТЎЛОВ ТАРИФИ ЎЗГАРДИ !

Энди 1 кВт-соат электр қувватининг нархи 30 сўм-купон бўлади.

1 июнгача фойдаланган электр қувватининг ҳақини 1 июлга қадар аввалги тариф бўйича 1 кВт-соатига 10 сўм-купондан тўлашга ҳақлисиз !

Шу муддатдан кейин тўловлар фақат янги тариф бўйича олинади !

Электр плиталари (газ плиталари ўрнига) ўрнатилган уйларда яшовчилар белгиланганининг 50 фоизи миқдорида ҳақ тўлайдилар.

ЭСЛАТИБ ЎТАМИЗ !

Тўлов бўйича имтиёзлар илгари улардан фойдаланиб келган ҳамма тоифадаги фуқаролар учун сақлаб қолинади.

Имтиёзли тариф бўйича кўпи билан 110 кВт-соат учун ҳақ тўлашга рухсат этилади.

Ўзэнергоназорат.

● ТИББИЁТ

«Соғлом авлод учун» шиори остида яқинда Ўзбекистон травматология ва ортопедия илмий-текшириш институтида «Болалар травматологияси ва ортопедиясининг долзарб масалалари» бўйича республика семинар-кенгаши ўтказилди.

ЭРТАНИНГ ТАШВИШИ

Унда вилоят болалар травматологияси ва ортопедияси хизматининг социал-ташкилий муаммолари ва уларни ҳал қилиш йўллари ҳақида институт директори, профессор Б. Миразимов маъруза қилди. Республикамиз аҳолисининг 42 фоизини болалар ташкил қилади. Шундан бир-икки фоизи ортопедик касалликларга мойил. Уларни даволаш услублари, бу борада институтда олиб борилаётган ишлар, шунингдек, яқинда жумҳуриятимизда бўлиб ўтган «Инновация—94» кўргазмаси ҳамда унинг болалар соғлиғини муҳофаза қилишдаги аҳамияти алоҳида таъкидланди.

Болалар ортопедик марказида даволаш ишларининг олиб борилиши юзасидан марказ раҳбари, тиббиёт фанлари номзоди А. Содиқов ахборот берди. Кенгашда вилоятлар бош мутахассислари ҳам қатнашдилар ва ўз мулоҳазаларини билдиришди.

Муҳими, кенгашда Ўзбекистон травматология ва ортопедия илмий-текшириш институтида кўп йил ишлаган марҳум профессор Н. Шоматов номини мазкур даргоҳга бериш юзасидан таклифлар билдирилди.

Т. ҲАСАНОВ,
тиббиёт фанлари номзоди.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Тошкент Автомобиль-йўллар олийгоҳи ректорати, касаба уюшмаси, профессор-ўқитувчилари ва талабалари жамоаси «ЙХТЭ» кафедраси доценти Арслон Холбекович Ёдгоровга онаси

Фотима ЁДГОРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси валюта биржаси жамоаси Ўзбекистон Марказий банки бошқаруви раиси Ф. Муллажоновга волидаи муҳтарамаси

Ибодат МУЛЛАЖОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти жамоаси рассом Бозорбой Жумабоевга отаси

Жумабой ТАНГИРОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлиги вазирликнинг кадрлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари Абдуқаҳҳор Сулаймоновга ўғли

Дилмуроднинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

Бош муҳаррир Азим СУЮН.

Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Абулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Каримжон РИХСИЕВ, Миршароф МУҲСИМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» иловаси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-20-36, 32-54-35.
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими—33-54-55, 32-55-06.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11; Бухорода — 3-96-12; Гулистонда — 2-26-22; Жиззахда — 3-46-24; Навоийда — 3-74-76; Наманганда — 6-43-43; Нукусда — 7-58-83; Қаршида — 3-25-79; Қумқўрғонда — 52-624; Самарқандда — 35-22-90; Урганчда — 6-72-60; Фарғонада — 6-3716.

● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00. топширилди — 20.30.
Г—939 85501 нусхада босилди.

Навбатчилар: О. НАЗАРОВ, Ҳ. ЭРМАТОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083. ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КУЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «БуюкТурон» кўчаси 41-уй.